



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 9 ноябрь, № 232 (7190)

Жума

Сайтимизга ўттиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ДЕПУТАТЛАР ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2018 йил 8 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган барча масала сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Мажлисида депутатлар ишни «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасидан бошладилар. Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 27 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида мазкур соҳани ривожлантириш, сифатли ва ҳосилдор маҳсулотлар уруғларини етиштириш ишларини кенгайтириш, уларни халқаро бозорларда илгари суришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган. У уруғчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизминини такомиллаштириш ҳамда уруғлик экспорти учун қўлай шарт-шароитлар яратишни ҳам кўзда тутди.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида уруғ-

чиликнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий инновацион лойиҳаларни жорий этиш, уруғлик генофондини сақлаш, уруғлик етиштирадиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналар тармоғининг самарадорлигини янада ошириш, уруғларни реализация қилиш ҳамда экспорт қўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ҳозир амал қилиб турган мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги консуллик муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Консуллик устави 22 йил муқаддам, 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган. Ўтган давр мобайнида миллий қонунчиликка киритилган ўзгаришлар, шунингдек, ҳозирги кунда шаклланган амалиёт, хорижий тажриба ва халқаро ҳуқуқ нормаларини инобатга олган ҳолда, даврнинг ўзи мазкур ҳужжат такомиллаштирилиши тақозо этмоқда.



СПОРТ ИСТИҚБОЛИ ВА ТАЖРИБА

ПОЙТАХТИМИЗДА «СПОРТ ТИББИЁТИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШНИ БОШЛАДИ.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси қўмағида Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда соҳага дахлдор вазирлик, қўмита ва бошқа ташкилотлар вакиллари, Япония, Россия, Туркия, Қозоғистон ва Беларусь Республикаси-дан таниқли мутахассислар қатнашмоқда. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мазкур конференция соҳага доир долзарб масалалар бўйича ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Маълумки, инсон жисмоний машғулотларга қанчалик кўп эътибор қаратса, шунчалик соғлом, руҳияти тетик, кайфияти чоғ бўлади. Ўз навбатида, мамлакат шаънини дунё ареналарида муносиб химоя қила оладиган спортчилар сони ҳам кўпайиб бораверади, улар ўртасида рақобат кучаяди. Бинобарин, юртимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, профессионал спортчиларни воёга етказиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида барча



шароит яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII

ёзги Олимпиада ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ана шу эзгу ишлар учун дастурамал бўляпти. Бу борада спорт тиббиётини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилётгани ҳам икхобий натижалар заминини мустаҳкам-лаётир.



Тиббиёт ходимлари куни олдидан

САМАРАЛИ ПРОФИЛАКТИКА, АНИҚ ТАШХИС ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда ана шу жиҳатларга устувор аҳамият қаратиляпти.

Сўнгги йилларда барча жабҳада бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизими ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қисқа давр мобайнида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 130 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 ноябрдаги «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш, уларнинг моддий

Кун иқтибоси:

— Ўзбекистон тиббиёт тизимида оқилона стратегия ва устувор йўналишлар белгилаб олинганлиги, ислохотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазифалар амалга оширилаётганлигини алоҳида эътироф этишдан мамнунман. Бинобарин, аҳоли саломатлигини асрашни устувор вазифа сифатида белгилаш бу келажақ авлодлар камолга етишининг энг



Тедрос
ГЕБРЕЙЕСУС,
Жаҳон
соғлиқни сақлаш
ташқиқоти
бош директори:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташқиқоти Ўзбекистон билан кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доимо тайёр. Тез орада юртингизга амалга оширадиган таърифим ҳам ўзаро ҳамкорлигимизнинг янги уфқларини очиб беришига ишонаман.

манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни белгилаб берди.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпаймоқда.



2018 йилда мамлакатимизда тиббиёт соҳасига

9,6 триллион сўм йўналирилди,

2018 бу ўтган йилдагига нисбатан

2017 **1,4 баробар кўпдир.**

Айни пайтда

382 та тиббиёт объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ушбу мақсад учун Давлат бюджетидан

1,2 триллион сўм маблағ ажратилган.



Ўзбекистон — Россия:

Ўзаро алоқалар қамрови кенгайиб борапти

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат ўртасидаги ҳамкорлик бўйича комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳар икки томон ўзаро алоқаларнинг самаралари, асосий жиҳатлари ва аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Хамкорлик

Хусусан, Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси ўринбосари, комиссия хамраиси Ильяс Умаханов икки мамлакат ўртасидаги алоқаларга оид «йўл харитаси»нинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтди.

— Охириги икки йилда парламентлар ўртасидаги ҳам-

корлик фаол, изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этамиз. Йил давомида Ўзбекистондан Россияга ва Россиядан Ўзбекистонга уч-тўртта делегация ташриф буюрмоқда, — деди у.

Сиёсатчи Россия Президентининг яқинда Ўзбекистонга амалга ошир-



ган давлат ташрифи ва икки мамлакат ўртасида биринчи марта ҳудудлараро форум ўтказилганини тарихий воқеа, деб атади.

«Биз ўзаро алоқаларда парламентлар нафақат давлатларимиз раҳбарлари қарорларининг қонуний кафолатини таъминлаш, балки бошқа қатор йўналишларда

ўзимизнинг қонунчилик ва минтақавий механизмларимизни ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга эканлигимиздан келиб чиқамиз», деди И. Умаханов.

У қатор келишувлар икки томонлама шерикликка доир «йўл харитаси» асосини ташкил қилишни эътироф этди. Стратегик истиқболда агро-саноат ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик, ўзаро алоқаларни жадаллаштириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш ва навбатдаги комиссия мажлиси кун тартибидagi масалалар ана шу «йўл харитаси»да белгиланган йўналишлар қаторидан жой олганини таъкидлади.



Ўзбекистон шоколадлари дунё бозорида рақобатдош брендга айлана оладими?

Шоколадни ёшу қари севиб тановул қилишининг асл сабабини биласизми? Унинг ширин таъми учун-да, дерсиз. Лекин асосий гап бу ташкил неъматнинг қишига хуш кайфият улаштириши билан боғлиқ. Шу туфайли ҳам у суюмлидир.

Қарор ва ижро

Мутахассисларнинг айтишича, шоколад бахт гармонини манбаи саналади. Яъни у серотонин ишлаб чиқаришни фаоллаштириб, моддалар алмашинувини тезлаштиради, томирлар деворларида холестерин йиғилиши ва тикинлар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Шу боис шифокорлар меъёрида шоколад истеъмол қилишни тавсия этишади.

Бироқ кейинги пайтда озик-овқат саноатининг қандолатчилик тармоғи ривожланаётган бўлса-да, шоколад ишлаб чиқариш ҳажми нисбатан кам эди. Натижада унга бўлган эҳтиёжнинг

салмоқли қисми импорт эвазига таъминланаётган эди. Соҳа мутахассисларнинг қайд этишича, эндиликда ушбу ширинлик импорт тубдан қисқаради. Чунки мазкур йўналишда кўплаб инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилиняпти. Бунинг эвазига ички бозор рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдирилиши баробарида, экспорт салоҳияти ҳам ортади.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Crackers» қўшма корхонаси шулардан биридир. Лойиҳа ташаббускорлари-

нинг баҳолашича, у минтақамиздаги шоколад маҳсулотлари тайёрлайдиган энг йирик субъектлар сирасига кириди.

Чиндан ҳам, бунга биргина рақам — фабриканинг умумий майдони 20 гектарни эгаллагани мисолида яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Очиги, ушбу корхона ўрни яқин-яқингача ташландиқ бир жой эди. Кўримсиз бўлиб қолган ҳудуд, таъбирий жоиз бўлса, кун сайин чирой очаётган бош кентимиз хуснига унчалик мос тушмасди. Президентимизнинг 2017 йил 6 январдаги «Озик-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори унинг қиёфаси тубдан ўзгаришида катта туртки бўлди.



ЯНГИ ҚОНУНЛАР

МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Яқинда Президентимиз томонидан «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун имзоланди. Мазкур ҳужжат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки парламент аъзолари томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жойларда ўтказилган ўрганишларда бу борада талай муаммолар мавжудлиги аниқланди. Масалан, биргина Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи узунлиги 410 километрдан ортиқ бўлган 128 та канал ва суғориш тармоқларининг қирғоқ бўйи ҳудудларида жойлашган 1300 дан ортиқ объект ва иншоотлар, шу жумладан, тураржойлар, молхона, умумий овқатланиш ва савдо объектилари «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар талабларига зид равишда жойлаштирилган.

Вужудга келган салбий ҳолатлар ҳамда халқаро тажрибадан маълум бўлишича, айни пайтда бу борада қўлланилаётган маъмурий чоралар етарли даражада эмас. Шу боис Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 72, 74, 75, 76 ва 82-моддаларида мансабдор шахслар ва фуқароларга солинадиган жазима миқдори оширилиши белгиланди.

Бундан ташқари, чиқинди билан боғлиқ ишларда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таъсирчан механизмлар етарли эмас. Яъни «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонундаги айрим бўшлиқлар атроф-муҳитни ифлослантирган шахсларни жавобгарликка тортишда қонуний асос йўқлигига сабаб бўлиб, бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, Қонун билан мазкур ҳужжатнинг 2-моддаси янги тушунча билан бойитилди.



ДЕПУТАТЛАР ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР



Шу муносабат билан парламент қўйи палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави янги тахрирда тайёрланди ва унда консуллик фаолиятини амалга оширишнинг, консуллик мансабдор шахслари ўз вақтида ҳар томонлама консуллик-ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш орқали чет элдаги фуқароларимиз ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича функцияларининг ҳуқуқий-ташқилий асослари белгилаб берилмоқда. Унда консуллик муассасалари ҳуқуқий мақоми ва тоифаларининг аниқ ифодалангани ушбу муассасаларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажаришига, консуллик мансабдор шахслар фаолиятини, фуқароларимиз ва юридик шахслар ҳуқуқларини ишончли муҳофазалашга эришишга хизмат қилади.

Шундан сўнг қўйи палата де-

путатлари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Европа агентлиги (EFSA) таҳлилларига кўра, 18 — 29 ёшда бўлган йигит ва қизларнинг 70 фоизи энергетик ичимликларни алкоголь маҳсулотига қўшиб ичиши маълум бўлди. Мутахасссларнинг таъкидлашича, бу ичкилик-бозлик алкогольнинг ўзидан заҳарланишдан кўра анча хавфлироқ. Олинган хулосаларга кўра, энергетик ичимликларни доимий равишда истеъмол қилиш вояга етмаганларда юрак хуружлари кучайишига, кўриш қобилияти сусайиши ва ақлий нўқсонлар юзгага келишига сабаб бўлади.

Депутатларнинг фикрича, тахлиф қилинаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалдаги қонун ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқни тўлдирши билан бирга, қувват берувчи ичимликларни реклама ва реализация қилиш ишлари устидан самарали назорат ўрнатиш ме-

ханизмларини қўллашга кўмаклашади.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ижроси юзасидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига киришди.

Йўналишда қайд этилганидек, жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Депутатлар фикрича, таҳлиллар «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги ҳамда «Ўрмон тўғрисида»ги қонунларнинг нормалари жамоатчилик назорати субъектлари доирасини чеклаб қўётганини кўрсатмоқда. Қўрилаётган қонун лойиҳаси билан қонун ҳужжатлари нормалари ўртаси-

даги номувофиқликни бартараф этиш мақсадида юқорида келтирилган қонунларга тегишли ўзгаришлар киритиш тахлиф қилинмоқда.

Мажлисда муҳокама этилган яна бир ҳужжат — «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди. Мазкур лойиҳа Президентимизнинг 2018 йил 28 мартдаги «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 17-бандида белгиланган топшириққа асосан ишлаб чиқилган. Унга биноан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 107-моддасига карантин эълон қилинган зараркундаларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашнинг санитария қоидаларини ва бошқа хил қоидаларни бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан иш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш тахлифи киритилмоқда. Кодекснинг 108-моддасига эса чет

мамлакатлардан келтирилиб, карантин текширувидан ва тегишли ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиш кетиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш тахлифи киритилмоқда. Шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш бўйича қўшимча киритиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши белгиланган нормаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини кучайтириш, ўсимликларнинг карантини бўйича чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар қуриш, ўсимликлар карантини ва фитосанитария талаблари бажарилишини тўлиқ таъминлашга ёрдам беради.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қолатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Янгиллик

“Ўзавтосаноат” АЖ “GM Uzbekistan” автомобилларини харид қилиш бўйича онлайн режимида интернет ва мобиль иловасини ишга туширапти.

Энди автомобилларни онлайн сотиб олиш мумкин

Компания маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси.uz сайти орқали, шунингдек, мобиль телефонлари (Android ва iOS)га Uzavtosavdo иловасини юклаб олган ҳолда автомашини сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун фойдаланувчи Идентификациянинг ягона тизими (One ID)дан рўйхатдан ўтиши лозим. Агар электрон рақамли имзо бўлса, автомобилни хорижда туриб ҳам харид қилиш мумкин.

Фойдаланувчи автоулов русуми, модификацияси, ранги ва ҳатто дилерлик марказини танлай олади. Бундан ташқари, автомобиль учун тўлиқ ёки қисман тўловни амалга ошириш имкони ҳам мавжуд. Мазкур жараёнларнинг барчаси автоматлаштирилган.

Агар зарур автомашини дилерда йўқ бўлса, буюртма тўғридан-тўғри автомобиль заводига юборилади. Харидор шартнома ва автомобилнинг индивидуал VIN-рақамини олган, дастлаб танланган автомобилнинг умумий қийматидан 3 фозини банк картаси орқали ўтказиши ва кейинчалик қолган суммани тўлаб бериши лозим.

Uzavtosavdo иловаси харидорга барча жараённи бошидан оқ назорат қилиш имконини яратди. Фойдаланувчилар ўз навбати ва автомобилни олиш санасини билиб боришади. Автомобилнинг 85 фоз нархи тўлангандан сўнг яна бир қўшимча қулайлик тақдим этилади. Яъни харидор автомобилни уйига бепул етказиб бериш имкониятидан фойдаланиши мумкин.

С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.



Гап шундаки, ушбу ҳужжат асосида амалга оширилаётган «Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун саноат комплексини ташкил этиш» лойиҳаси учун собиқ завод майдони танланди. Бирок унинг омонат бўлиб турган бино-ишотларидан фойдаланиш имконсиз эди. Мутахасссларнинг хулосасига биноан, мавжуд иморатларни қайта реконструкция қилишдан янги-сини барпо этиш афзал кўрилди. Шу тариқа нураб бораётган бинолар бузилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Эттиборлиси, "Discover Invest" компаниясининг юқори тажрибали қурувчилари томонидан улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари жуда қисқа муддатда сифатли адо этилди. Шундан сўнг Россиянинг "Mossa Engineering" компанияси мутахассслари меҳнати билан энг илгор технологик линиялар ўрнатилиб, замонавий ишлаб чиқариш субъекти вужудга келди.

Мазкур замонавий ишлаб чиқариш субъектининг ташкил этилиши учун 82 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя жалб қилинди. Шунинг қарийб тенг ярми тўғридан-тўғри хорижий инвестиция эканлиги алоҳида эътиборга моликдир. 35 минг квадрат метрдан

иборат ишлаб чиқариш биносига кирган киши ўзини бами-соли эртақларда тасвирланган ширинликлар оламига тушиб қолгандек ҳис этиши тайин. Ахир кўз ўнгинида наинки болажонлар, балки катталар ҳам сўйиб истеъмол қиладиган шоколад ва бошқа қандолат маҳсулотлари бир зумда тайёрланиб, бежирим идишларга қадқоланмоқда.

Асосий ишлаб чиқариш линияларидан бирининг лойиҳа



менеджери Зулхумор Романованинг айтишича, фабрика Германия, Дания, Швейцария, Австрия, Италия каби давлатларнинг дунёда етакчи ҳисобланган компанияларида ишлаб чиқарилган технологик ускуналар билан жиҳозланди. Натижада нафақат шоколад ва шо-

ман. Жаҳон стандартлари асосида тайёрланаётган қандолат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари ниҳоятда юқори, муҳими, инсон саломатлиги учун ўта фойдали. Шубҳасиз, улар дунёнинг машҳур брендлари билан бемалол рақобатлаша олади.

— Дарҳақиқат, мисол учун,

вафилли крекерлар шу пайтга қадар атиги учта давлат — Венгрия, Австралия ва Канадада ишлаб чиқарилган бўлса, Ўзбекистон улар сафига тўртинчи бўлиб қўшилди, — дейди ушбу линия лойиҳа менежери Рената Сеттарова. — Австриянинг "НААС" компаниясидан келтирилган технологик линиялар ёрдамида икки хил ва таъмдаги шундай маҳсулотлар тайёрланапти. Табиий хом ашёлардан сўнгги технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган крекерлар қовурилган чипслардан тўбдан фарқ қилади.

Шунинг учун маҳсулотнинг катта қисми экспорт қилиниши кўзда тутилган. Қадқоллаш линиялари ҳам Европанинг етакчи ишлаб чиқариш компаниялари маҳсулларидир.

Айни пайтда фабрикада 650 нафрда киши меҳнат қилмоқда. Ҳадемай жамоа сафи янада кенгайиб, 800 нафардан ортиши кутуляпти. Табиийки, шу аснода маҳсулотлар тури ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпайиб, икки бозор рақобатдош ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилаверади. Айни чоғда саноатнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича мавжуд имкониятлар ишга солинад. Булардан кўзланган ягона мақсад шуки, Ўзбекистонни шоколад импорт қилувчи давлатлар сифидан уни экспорт қилувчи пешкадам мамлакатлар қаторига олиб чиқишдир.

Сонд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳақими ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Парламентимиз вакиллари ишбилармон ватандошларимиз билан учрашди

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев бошчилигидаги мамлакатимиз парламенти делегацияси ташриф билан Россияда бўлиб турибди.

Шу йилнинг 8 ноябрь куни делегация аъзолари Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Мулоқот савдо-иқтисодий соҳадаги икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш мавзусига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон — Россия иқтисодий, шу жумладан, инвестициявий ҳамкорлигини янада ривожлантириш, туризм соҳасида тажриба алмашишни жадаллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, 2017 йилда ўзаро савдо ҳажми 2016 йилдаги кўрсаткичлар билан таққослаганда, 15 фозга ошди ва қарийб 5 миллиард долларни ташкил этди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида бу кўрсаткич 4 миллиард доллардан ортди. Бироқ эришилган натижалар икки мамлакат имкониятларига тўла мос келмади. Шу сабабли яқин йилларда икки томонлама савдо айланмасини 10 миллиард долларга етказиш назарда тутилаётганига ургу берилди.

Учрашув иштирокчилари икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдирди. Шу куни фармацевтика ва косметика, кимё, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида, озиқ-овқат ва енгил саноат, балиқчилик, ахборот-телекоммуникация технологиялари, энергетика, машинасозлик, хом ашёни чуқур қайта ишлаш соҳаларида Ўзбекистон худудида

юқори технологик ва замонавий корхоналарни ташкил этиш борасида Россиянинг етакчи компаниялари билан бирга қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга тайёр эканлиги қайд этилди. Ташриф якунида Ўзбекистон Республикаси элчихонаси биносида парламент делегациясининг Россиядаги ҳамюртларимиз билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида хориждаги ватандошларимиз билан ҳамкорлик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани қайд этилди. Жумладан, хорижий мамлакатлардаги ҳамюртларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг маданий, илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб этиш, мамлакат ҳудудида ватандошларимиз профессионал фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби аниқ мақсадлар белгиланб олинди.

Айни чоғда Ўзбекистонда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданиятни ривожлантиришга, мамлакат нуфузини ошириш ва хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ватандошларимизнинг қўшаётган муносиби ҳиссаси юқори баҳоланди.

Мунисхон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Россия:

Ўзаро алоқалар қамрови кенгайиб борапти



Маълумки, «Россия — Ўзбекистон» ҳудудлараро иккинчи форуми 2019 йил Москва шаҳрида бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Содик Сафоев ҳудудлараро форум шу пайтгача деярли бўлмаган алоқаларни йўлга қўйиш имконини берганини айтиб ўтди.

«Ўздан ортқ қўшма лойиҳаларга старт берилди. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда ҳарбий-техника ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этмоқда», деди у.

Ўзбекистонлик сенатор Россия Федерацияси билан ўзаро алоқалар мамлакат учун устувор йўналишлардан бири ҳисобланишини қайд этди.

«Бу нафақат икки давлат, балки умуман Ўрта Осиё тараққиёти ва хавфсизлиги учун муҳимдир. Биз Россия раҳбарияти томонидан Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати қатъий қўллаб-қувватланаётганини юқори баҳолаймиз. Биз мураккаб йўлни бошлаяпмиз ва бизга дўстнинг суянчи керак», деди С. Сафоев.

Сонджон МАХСУМОВ.



Атроф-муҳит ҳолатини мониторинг қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, юридик шахсларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятларини янада кучайтириш мақсадида Қонуннинг 15-моддасида қўшимча нормалар белгилаб қўйилди.

Амалдаги қонунчиликда рухсат этилмаган жойларга чиқинди ташлаганларни жавобгарликка тортиш механизми ҳам мавжуд эмасди. Энди бу ҳам эътиборга олинди. Яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91-моддасида саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташши, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиати муҳофазаси қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси маълумотларига қараганда, жорий йилнинг ўтган даврида 13 мингдан ортқ рухсат этилмаган қонунчилик қиқинди-хоналар ташкил этилган ва бу ўтган йилдагига нисбатан қарийб 2 баравар юқори кўрсаткичдир. Ваҳолонки, хориж давлатларида бунинг учун каттагина жарима тўлашга тўғри келади.

Масалан, Австралида рухсат этилмаган жойларга чиқинди ташлаган киши 7500 доллар, Австрияда 90, Ирландияда 5000 евро, Швейцарияда 1000 швейцария франки, Хитойда 50 юан жарима тўлайди. Сингапурда эса жазо янада қаттиқ-

роқ: 1000 сингапур доллари миқдорига жаримага тортилиши ва қамоққа олиниши мумкин. Шу маънода, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс рухсат этилмаган жойларга қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташлаб юбориш, қолаверса, суюқ чиқиндиларни тўққанлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи янги 91-санитар тозалаш объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш талабларини бузганлик учун 91-моддалари билан тўлдирилган аниқ шундай ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикада чиқин-

диларнинг бирламчи ҳисобини юритиш ва ахборотларни тақдим этиши лозим бўлган субъектлар сони 21,4 минггача ташкил этади. Лекин улардан 30 фозидан ортиги ушбу ахборотларни, чиқиндиларни қўйиш ва утилизация қилиш жойлари кадастрини юритувчи 396 та объектдан 100 таси кадастр ахборотларини тақдим этмаяпти. Бу ўз навбатида, ахборотларнинг ягона тизимини шакллантириш, ҳаққонийлиги ва кадастр маълумотларини юритишни ҳужжатлаштириш ҳамда тўлиқ қамраб олишда қийинчилик туғдирмоқда. Бунинг ҳам сабаби оддий. Бизда шу пайтгача чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга

ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш, уларни қўйиш, утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмаганди. Лекин мазкур жараён бир қатор мамлакатлар қонунчилигида аниқ кўрсатиб ўтилган. Россия, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Молдова шулар жумласидандир. Қонунда бу жиҳат ҳам инобатга олиниб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тегишли модда билан тўлдирилди.

Яна бир гап. Кўчада, йўлда автобус ёки енгил автомобиль ойнасидан одамларнинг турли

чиқиндиларни ташлаб юборганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Бу, аввало, ўша инсоннинг маданияти қай даражада эканлигидан, қолаверса, унинг атроф-муҳит тозаллигига ўта бефарқлигидан далолат беради. Афсуски, бундайлар орамизда кам эмас. Фикримизни Ички ишлар вазирлигидан олинган қуйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. Яъни шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш бўйича ўтган йили 57208 та ҳуқуқбузарлик аниқланган. Эндиликда бу бўйича ҳам жавобгарлик кучайтирилиб, жарима миқдори оширилди.

Қонунда, шунингдек, ичим-

лик суви билан таъминлаш, сув таъминоти тизими ва канализация объектларидан самарали фойдаланишда сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш корхоналари масъулиятини ошириш мақсадида қоидаларни бузганларга жавобгарлик белгилаб қўйилди. Чунки кундалик ҳаётимизда ушбу жиҳат ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат мансабдор шахслар ва фуқароларнинг атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, табиий ресурслар, шу жумладан, ичимлик сувидаан оқилана фойдаланиш борасидаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини оширишга, профилактик тадбирларни кучайтиришга, махсус ваколатли давлат органлари фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Содиҳжан ДЖАҚБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

СПОРТ ИСТИҚБОЛИ ВА ТАЖРИБА



Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази мазкур йўналишда изчил фаолият олиб борапти. Спорт тиббиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ушбу ташкилот, ҳусусан, спортчиларнинг тиббий-биологик ва тиббий-психологик тайёргарлигини таъминламоқда, уларга маслаҳат-диагностика, даволаш-профилактика ва реабилитация ёрдами

қўрсатиб келаётир. Қолаверса, илмий тадқиқотлар, иқтидорли ёш спортчиларнинг генетик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, танлашнинг замонавий тиббий-биологик услубларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилган. Спорт тиббиёти ва реабилитацияси миллий ассоциацияси ташкил қилинган. Япония, Туркия ва Россия давлатлари билан ҳамкорликда ишлаш бўйича ўзаро меморандумлар тузилгани ҳам эътиборга молик. Бу эса спортчиларни йирик мусобақаларга муносиб тайёрлаш,

уларнинг жисмоний-руҳий саломатлигини, ўзига бўлган ишончини ҳар томонлама мустаҳкамлаб боришда муҳим роль ўйнамоқда.

Конференцияда маҳаллий ва хориқлик мутахассислар спорт тиббиётининг долзарб вазифаларига оид маърузалар билан қатнашапти.

Бугун анжуман доирасида чет эллик мутахассислар иштирокида Самарқандда маҳорат сабоқлари ўтказилади. Қолаверса, меҳмонлар кўна ва навхирон кентнинг тарихий обидаларига ташриф буюради.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Хироюки ИШИДА, КЕЮ спорт тиббиёти университети профессори, 2020 йил Токио шаҳрида бўлиб ўтadиган XXXII ёзи Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинлари ташкилий хайъати аъзоси (Япония):

— Бугунги кунда Ўзбекистон спорт тиббиётда руй бераётган ўзгаришлар халқро жамоатчилик эътиборини ҳам ўзига қаратмоқда. Маълумки, икки йилдан сўнг Токиода Олимпиада бўлиб ўтади ва биз унга жиддий тайёргарлик кўрмоқдамиз. Мазкур соҳада тажриба алмашши спортчиларни юқоридagi каби нуфузли мусобақаларга тайёрлашнинг ажралмас қисмидир. Ўзбекистонда спорт

тиббиёти шифокорларнинг юрак-қон томир тизими билан боғлиқ муаммоларга қандай ёндашиши мен учун қизиқ. Ўйлашимча, келажақда мамлакатларимиз спорт тиббиёти соҳасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади, спортчилардаги турли касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадқиқотлар олиб боради, шу бўйича инновацион усулларни жорий этади.



Борис ПОЛЯЕВ, МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари спорт тиббиёти врачлари ассоциацияси президенти, академи:

— Спорт тиббиёти ҳамиша қизиқ йўналиш бўлиб келган. Сабаби спортчига экстремал жисмоний-руҳий юкланиш таъсир қилади. Агар у ниманидир ўрдадасидан чиқса ёки қандайдир дори унга ёрдам берса, мазкур ҳолат бошқа шифокорлар учун туртки беради. Ҳозир ушбу соҳага ёшлар катта қизиқиш билдираётгани кишини хурсанд қилади. Бу эса унинг истикболдан дарақдир. Ўзбекис-

тонда ҳам шундай тенденция кузатилаётгани диққатга сазовор. Эндикликда бизда ҳам ушбу мамлакат билан тажриба алмашши имконияти яратилди ва бундан мамнунми. Анжуман доирасида ҳамкорлик қилиш бўйича ҳужжатлар имзолаймиз. Келгусида биргаликда семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказамиз, спорт тиббиёти бўйича халқро ташкилотлар, федерацияларда бирга ишлаймиз.

Ўзтурк ЧИГАТОЙ, травматолог-вертебролог (Туркия):

— Ўзбекистон бизнинг ота юртимиз ҳисобланади. Бу заминга ҳар сафар келганда жуда қувонаман, қалбимни ҳаяжон босади. Бу диёр халқи билан ўзаро қардош ва қондош эканлигимиздан фaхрланамиз. Маълумки, соғлом авлодни вояга етказишдек муҳим йўналишга инвестиция қиртиш ва ундан самарали фойдаланиш шарафли, бир вақтнинг ўзида машаққатли жараёндир. Ўзбекистонда айнан мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар тузилгани диққатга сазовор. Ма-

салан, Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолияти шу нуктаи назардан муҳимдир. Бизда бундай ташкилот йўқ ва Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасини ўрганиш фақат фойда келтиради. Қолаверса, болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодга спорт, жисмоний тарбия аҳамиятини тушунтириш, улар билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш бўйича ҳужжатлар қабул қилинган, бу йўлда самарали ишлар олиб борилаётганидан хабарим бор. Ўзим анжуманда спорт-



Михаил ЕРЁМУШКИН, Россия дипломдан кейинги таълим тиббиёт академияси кафедра профессори, миллий массажчилар федерацияси президенти:



— Халқро конференция — бу муҳим тадбир. Сабаби, аввало, у бутун дунёдан спорт тиббиёти мутахассисларини бир ерга жаллайди. Бу нафақат мамлакат спортига, балки халқро жамоатчилиқка ҳам ижобий таъсир қўрсатади. Зеро, биз бир-биримиздан ўрганамиз, шу асосда соҳани такомиллаштириш учун қимматли материалларга эга бўламиз. Тошкентдаги анжуман

юқори даражада ўтказилмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар маърузаларини тинглар эканман, республикада спортга муносиб эътибор қаратилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ҳусусан, давлат томонидан спорт тиббиёти кенг қўллаб-қувватланаётган экан. Бу эса Ўзбекистон спортчиларининг халқро майдонлардаги ёрқин галабалари сонини кўпайтиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи» мухбири Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.
Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

ФЕСТИВАЛЬ ЮКСАК САВИЯДА ЎТКАЗИЛАДИ

Президентимизнинг жорий йил 1 ноябрдаги қарорига мувофиқ, 2019 йил 5 — 10 апрель кунлари Термиз шаҳрида бўладиган халқро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Айни мақсадда Сурхондарё вилояти штаби ташкил этилди.

Кадрият

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда таъкидланганидек, халқ оғзаки ижоди намуналари — дoston ҳамда эпослар, фольклор намуналари миллиятнинг ўзига хос қадриятлари, урф-одат, анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Зеро, асрлар оша ўттиб келётган дostonлар халқнинг узоқ ўтмиши, маданиятини ифодалагани қолмай, балки одамларни эзгуликка қорловчи маъё вазифасини ҳам бажармоқда. Шу боис юртимизда номоддий маданий меҳор дурдоналарини асраб-авайлашга катта эътибор қаратилляпти. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» унвони таъсис қилинди, Термиз шаҳрида бахшилар мактаби ташкил этилди, шунингдек, яқинда Олтинсой туманида бахш-шор, оқин ва жировларнинг республика фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда халқро анжуманга тайёргарлик юзасидан Ўзбекистон халқ бахшилари, соҳа мутахассисларининг тақлиф ва тавсиялари тингланди. Қайд этилганидек, халқ дostonлари ва оғзаки ижод намуналарини аудио, видео ҳамда матнда ёзиб олиш, бахшичилик макта-

би кутубхонасини зарур китоб ва қўлланмалар билан бойитиш ҳамда мусиқий асбоблар билан таъминлаш, Шеробод дostonчилик мактабининг асосчиси Шерна бахши қабри атрофини ободонлаштириш каби масалаларга алоҳида урғу берилди.

— Мен биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси унвонига сазовор бўлганимдан доимо ғурурланиб юрман, — дейди Шоберди бахши Болтаев. — Ававаллари тор доираларда дoston ҳамда термалар қуйлаган биз, бахшилар овози бугун бутун юртимиз бўйлаб жаранглаётгани ҳам миллий ўлгимизни англаш ва қадриятларимизни қадрлашга бўлган юксак эътибор самарасидир. Халқро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши эса дostonларимиз, фольклор санъатимизни янада кенг тарғиб этишимизда айна мудаодир.

Йиғилишда фестивалга муносиб тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Унинг афзаллиги ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?

Балиқнинг инсон саломатлиги учун фойдаси катта. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳар бир одам йил давомида камида 15,6 килограмм балиқ гўшти истеъмол қилиши лозимлиги тавсия этилади. Юртимизда мазкур тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор сабаби ҳам шунда: ҳам саломатлик, ҳам соҳа ривож, ҳам бандлик, деган мақсадлар мужассам унинг замирида.



Аммо шу кунга қадар соҳани жонлантиришга оид қатор чоралар қўрилишига қарамай, интенсив усулда балиқ етиштиришга етарли даражада аҳамият қаратилмади, ҳудудларда тармоқни ривожлантиришда юзага келатган муаммоларни ҳал этиш, уни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам ўлдар жўлда. Сув ҳавзалари 421 минг гектар бўлса, улардан илмий ёндашув асосида самарали фойдаланиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тежамкор технологияларни татбиқ этиш ишлари ҳам ҳаминқадар.

Сунъий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш учун балиқчилик хўжалиқларининг минерал ўғитларга бўлган талаби тўлиқ қондирилмаяпти. Масалан, унга бўлган эҳтиёж 26100 тонна бўлгани ҳолда, амалда биржа орқали атиги 4400 тоннагина сотилляпти. Минерал ўғитни бошқа муқобили билан алмаштириш борасида илмий тадқиқот ишлари ҳам талаб даражасида олиб борилгани йўқ. Бундан ташқари, балиқни интенс усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун зарур асбоб-ускуна ҳамда анжомлар ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Оқибатда тadbirkor вақтини, маблағини сарфлаб, уларни Хитой ва Россиядан олиб келяпти. Соҳага хорижий инвестиция жалб этиш масаласи ҳам оқсамокда. Қисқаси, муаммолар кўп.

Президентимизнинг «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шундай камчиликларга ечим топиш орқали тармоқни тубдан такомиллаштиришни кўзда тутди.

Қарор билан 2019 йилда республикада балиқ етиштириш ва овлаш, балиқ етиштириш иншоотлари ҳамда қурилмаларини барпо этиш, балиқчилик хўжалиқларига омихта ем ва минерал ўғит (аммофос) етказиб бериш, репродукцион ҳовусларни ташкил этиш, балиқ чавоқлари етиштириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш қувватларини ишга тушириш каби қатор кўрсаткичларнинг прогноз параметрлари тасдиқланди. Бу нима дегани?

— Биринчидан, узлуксиз сув билан таъминлаш имконияти бўлган сунъий сув ҳавзаларидаги балиқчилик хўжалиқлари босқичма-босқич интенсив усулда балиқ етиштиришга ихтисослаштирилади, — дейди «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси бўлим бошлиғи Шаҳзод Ҳамзахон. — Натижада мазкур йилда 150000 тонна балиқ етиштирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 201500 тоннани ташкил этади. Иккинчидан, жорий йилда 350 миллионга балиқ етиштиришга мўлжалланган 7 та инкубатор цех қурилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 10 тани ташкил

этиб, уларнинг умумий қуввати 530 миллионга балиқ чавоғи етказиб беришга етади. Бу каби чора-тадбирлар аҳолини балиқ маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини яратди.

Албатта, саналган ишлар ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Унинг ихроси молиявий манба билан бевосита боғлиқ.



Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Тикланган ва тараққийот жамғармасининг маблағлари ҳисобидан эквиваленти 50 миллион АҚШ доллари миқдорда «Ипотека-банк» АТИБнинг устав капиталидаги давлат улуши оширилиши кўзда тутилган.

Молиявий қўллаб-қувватлаш фақат шу йўл билангина амалга оширилмайди. Қарорда белгиланганидек, Молия вазирлиги ҳар йили 15 миллион АҚШ доллари

эквиваленти миқдоридagi маблағларни 2019-2020 йиллар давомида тегишли йилнинг 1 февралига қадар балиқчилик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб беради.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 ноябрга қадар насли балиқ ва увилдириги, шунингдек, республикада ишлаб чиқарилмайдиган инкубация, лаборатория, интенсив усулда балиқ етиштириш, овлаш, маҳсулотларни қайта ишлаш, музлатиш ва сақлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, анжом, механизмлар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари, муқобил энергия таъминоти ускуналари, мелиорация иш-

Оловиддин Иброҳимов. — Ҳусусан, ҳудудларда балиқчилик соҳасида тўлиқ тизимли ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, яъни инкубация цехи, чавоқ ва товар балиқ етиштириш, юқори оқсилга бой балиқ емини қайта ишлаш ҳамда сақлаш каби юмушларни бажарадиган балиқчилик кластерлари ташкил этиладиган бўлди. Бу янги иш ўринларини яратиш, пархез маҳсулотга бўлган ички эҳтиёжни тўлиқ қондириш, экспорт ҳажминини оширишга ҳам олиб келади.

Айтиш керакики, мазкур кластерларнинг йиллик балиқ етиштириш қуввати камида 50 тонна бўлган тақдирда, улар 2019 йил 1 январдан бошлаб дастлабки уч йил давомида барча солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади.

Интенсив усулда балиқ етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ҳамда механизмлар ишлаб чиқаришни келаси йил якунига қадар маҳаллийлаштириш чоралари қўрилади.

Ўз навбатида, соҳа бўйича илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш, Айдар-Арнасой қўллар тизимида интенсив усулда балиқ етиштиришни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича комиссия ташкил қилиш, 2019 йилдан бошлаб ҳар йилнинг ноябры ойида балиқчилик оид кўргазма ўтказишни йўлга қўйиш каби ва бошқа тадбирлар белгиланган бўлган. Умуман, Президентимиз қарори балиқчилик соҳасини тубдан такомиллаштиришга катта туртки беради.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РАВНАҚИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Навоий вилоятида йил бошидан буён 6496 та янги кичик бизнес субъекти ва фермер хўжалиги ҳамда 3347 та якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилиб, турли йўналишда фаолиятини йўлга қўйди.

Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони солиқ юқини енгиллаштириш борасидаги слоҳотларнинг мантқий давоми сифатида ишбилармонларга ғайрат-шижоат бағишлаётгани билан аҳамиятлидир.

Фармон ва ижро

Инсоният тарихида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида бюджет даромадларини имкон қадар кўпайтириш устувор бўлиб келган. Бирок мазкур жараён ўз-ўзидан солиқ юки кескин ортишига ва солиққа тортиш тизими мураккаблашиб кетишига олиб келганлигига бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Бу эса, табиийки, иқтисодиётнинг бир маромда ўсишига ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатади.

Фармонда айнан ана шу масалаларга эътибор қаратилиб, солиқ юқини босқичма-босқич пасайтириш, тизимни соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётини тезкор ривожлантириш ва мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишнинг муҳим шартлари сифатида белгилан берилган.

Концепцияда, шунингдек, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилган. Бу ҳақда яқинда давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилда Давлат бюджетининг қўтилаётган ихроси, 2019 йилга мўлжалланган

макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳам алоҳида айтиб ўтилди. Унда келгуси йил даромадлари изчил ошиши, солиқ тизимида жорий этила-диган тарихий ўзгаришлар натижа-сида аҳоли ҳамда бизнесга катта енгилликлар берилиши қайд этилди.

Солиқ юқини камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида, қолаверса, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари ҳамда Халқро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқро экспертлар тавсияларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари белгиланди.

Шу асосда иқтисодиётда солиқ юки даражаси камайтирилиб, солиқ солишининг соддалаштирилган ва умум-белгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номуноаносибликлар барта-раф этилади. Бундан ташқари, солиқ-

ларни унификация қилиш орқали уларнинг сони оптималлаштирилиб, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқлар бирлаштирилади ва солиқ ҳисоб-ботлари қисқартирилади, операцион харажатларнинг минимал даражаси таъминланади. Айниқса, соҳа қонунчили-гини соддалаштириш, солиқ муносабат-лари тизимида норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлардаги қарама-қаршилиқлар ва зиддиятларни бартараф этиш кўзда ту-тилгани инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаши билан эътибор-лидир.

Яна бир муҳим жиҳат, хорижий ин-весторлар ҳамда инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш билан боғ-лиқдир. Мазкур масала мамлакатимиз инвестициявий жозибadorлигини яна-да юксалтириш билан бирга, халқро иқтисодиётга интеграциялашувига ҳам ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Асо-сийси, мазкур тадбирлар макроиқти-содий вазиятнинг барқарорлигини, Дав-лат бюджет ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Албатта, барча соҳада фуқаролар-нинг ҳуқуқий саводхонлиги долзарб аҳамиятга эга. Фармонини ва Концеп-цияни кенг қўламда тарғиб этиш, янги-ликлардан солиқ тўловчиларни хабар-дор қилиш мақсадида вилоятда турли семинар ҳамда мулоқотлар ўтказилмоқ-да. Мазкур тадбирлар тадбиркорлар-га буклет, қўлланма ва рисоалар тар-қатилляпти. Зеро, солиқлар мамлакати-мизда аҳоли фаровонлигини таъмин-лашнинг муҳим манбаидир.

Азамат БОЗОРОВ, Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.

Биз ва жаҳон



Италия туризми ҳафталиги

Пойтахтимизда Туризм ўқув консалтинг маркази ҳамда Италиядиган GalileoFerraris институти ҳамкорлигида «Италия туризмининг ҳафталиги» бошланди.

Унда мамлакатимиздаги туризм ва меҳмон-хона хўжалиги касб-хунар коллежлари, меҳ-монхона, ресторан ҳамда туристик корхо-наларнинг 70 дан ортиқ вакиллари қатнаш-моқда.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа таш-килотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Бугун республика-мизда туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилляпти. Шу маънода, бу каби лойиҳалар ҳар жиҳатдан муҳимдир. Таъкидлаш ўринлики, ҳафталик до-ирасида италиялик экспертлар юртимизда-ги меҳмонхона, ресто-ран ва туристик корхо-налар ходимлари, рес-торан ошпазлари билан яқиндан мулоқотлар қилишади, тажриба алмашишади.

Сурайё РАВШАНОВА.

тирувчилари ҳамда бакалаврият ҳисобидан қоллаш чоралари кўрилади.

Инновацион технологиялардан авиация техникасигача

Замонавий тиббиётни юқори технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, трансплантология ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу келгусида ҳам давом этади. Авваллари мамлакатимизда бундай даволаш имкониятларининг йўқлиги туфайли одамлар чет мамлакатларга даволаниш учун боришга мажбур бўлишар, бу эса жуда катта харажати талаб қиларди. Эндликда вазият тубдан ўзгарди, шунингдек, маҳаллий клиникаларда даволаниш учун янада қулай шароит яратилди. Бунинг учун эса олий тиббиёт муассасаларининг клиникалари ривожига, уларда юқори технологияли даволаш усуллариининг жорий қилинишига урғу берилиши аҳолини мамнун этиши, шубҳасиз. Бу ҳудудий клиникаларда шифокорларни тайёрлаш ва юқори технологияларни татбиқ қилиш учун ҳам шароит яратяди. Келгусида мамлакатимизда молекуляр ва

моқда. Бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, юртимиздаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиняпти. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича тегишли қарор ишлаб чиқилиб, бир неча бор халқаро ташкилотлар иштирокида муҳокама қилинди ҳамда умумхалқ муҳокамасига кўйилди.

Ушбу ҳужжат билан тиббиёт тизимининг 2025 йилгача мўлжалланган ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, биринчи навбатда, соғлиқни сақлашни бошқариш ва молиялаштириш тубдан такомиллаштирилади. Шунингдек, тиббий суғурта тизими жорий қилинади. Бунда ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш ҳам назарда тутилган.



2018 йилнинг ўтган даврида **165 ТА ПОЛИКЛИНИКАДА** қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилди. Шунингдек, **126 ТА КИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ,** **180 ТА ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАГА 6,5 МИЛЛИОН** АҚШ долларлиқ тиббиёт ускуналари етказиб берилди. **2 000 дан зиёд ИЖТИМОЙ ДОРХОНАЛАР** ва **1233 ТА** **ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДМ ШОҲОБЧАСИ** фаолияти йўлга қўйилди.

Қолаверса, Концепцияда давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилди.

Дарҳақиқат, хусусий тиббиётни ривожлантириш, хорижий ҳамкорларга етарли шароитлар яратган ҳолда, уларни республикамизга жалб этиш, давлат ва хусусий тиббиёт ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш соҳа келажагидир. Ўтган қисқа фурсатда тизимда хусусий секторни ривожлантириш бўйича учта муҳим қарор қабул қилинган ҳам ушбу йўналишга қаратилган эътибордан далолат.

Дикқатга сазовор жиҳати, хусусий тиббиёт муассасаларида иختисослик турлари 50 тадан 126 тага кўпайди, 2022 йил 1 январгача солиқ ва боқжона тўловлари бўйича имтиёзлар берилди. Натижада жорий йилнинг ўтган 9 оий мобайнида 635 та янги хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 4312 тага етди. Янги шифо масканларининг 295 таси олис туманларда, 340 таси шаҳар ва вилоят марказларида жойлашган. Хусусий тиббиёт муассасаларига Хиндистон, Россия, Корея Республикаси, Туркия сингари давлатлардан келган мутахассислар ишга қабул қилинмоқда.

Ўтган йили декабрь ойида ўтказилган йиғилишда Юртбошимиз томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш бўйича бир қанча топшириқлар берилиб, унинг ижро механизми ҳам аниқ курсатиб ўтилган эди. Ўтган 10 ой мобайнида соғлиқни сақлаш тизимидида мавжуд 12 мингта вакант иш ўрнидан 6 минг 600 таси қопланган. 2019 йилнинг охиригача 5800 вакант ўриндан 4 мингтасини клиник ординатура ва қайта тайёрлаш курслари би-

Хулоса ўрнида айтганда, юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда юқори технологияли даволаш усуллари янада ривожланиб, шифокорларнинг аҳоли соғломлиги йўлида самарали фаолият юритишига замин яратилмоқда. Пировард мақсад эса Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Тиббиёт ходими саломатлик посбонларидир. Уларга халқ ишониши, улар эса халқни ишонтира олиши керак”**.

Тиббиёт ходимлари куни арафасида қайд этиб ўтиш ўринлики, тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган улкан чора-тадбирлар ижроси йўлида изчил фаолият юритаётган соғлиқни сақлаш соҳасининг фидойи вакиллари бундан кейин ҳам куч-ғайрат ва фаоллик кўрсатишларига ишонамиз.

Алишер ШАДМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазири.

САМАРАЛИ ПРОФИЛАКТИКА, АНИҚ ТАШХИС ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда ана шу жиҳатларга устувор аҳамият қаратиляпти.



Амалга оширилаётган барча ишлар тизимни янада яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария, шошилич ва тез тиббий ёрдам, иختисослаштирилган хизматлар сифатини юксалтириш, арзон ҳамда сифатли дори-дармон, замонавий тиббий буюмлар билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, билимли ва тажрибали мутахассислар тайёрлашда пухта пойдевор бўлиб хизмат қилаётир.

Аҳоли эҳтиёжлари кабинетда эмас, юзма-юз мулоқотда ўрганилмоқда

Давр талабидан келиб чиққан ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятида иш юритиш ва бошқарувнинг замонавий тамойиллари жорий этилди. Эндликда тизимда фаолият юритаётган раҳбар кабинетда эмас, аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, улар хоҳиш-истаги, эҳтиёжини ўрганиб, шу асосда ишни ташкил этишга ҳаракат қилляпти. Тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган шифокорлар учун муносиб шароитлар яратиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қолаверса, бирламчи тиббий-санитария бўғини фаолияти ҳам давр талабига мослаштириляётир. Аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган маъзку тизимда авваллари мавжуд бўлмаган ижтимоий дорихона ва куну тун ишлайдиган тез тиббий ёрдам шохобчасига эга 793 та кшшлоқ оилавий поликлиникаси ташкил этилди. Уларда бешта йўналишда, яъни умумий амалиёт врач билан бирга, терапевт, хирург, педиатр, стоматолог, гинеколог каби тур муахассислар фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, тиббиёт ходимларининг меҳнати самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди. Шифокорларга 2 ставкада ишлаш ва нафакаларини тўлиқ олишга рухсат берилди. Шифокор қабулига ёзилиш ва маълумотлар базасини шакллантириш бўйича “Электрон поликлиника” тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда.

Она ва бола саломатлиги йўлида

Ушбу йўналиш давлатимизнинг ҳамиси диққат марказида, десак, муболага эмас. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 декабрдаги “2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни бараект аниқлаш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори билан болаларда генетик синдромларни эрта ташхислаш, наслик касалликларга чаалинган чақалоқларни оммавий скрининг текширувларини ўтказиш бўйича

аҳоли ҳам тўлиқ баҳраманд бўлишини таъминляйди.

Ўтган қисқа муддатда ҳомилаларларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, қиз болалар ва усмир қизларга юқори технологик, иختисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатишининг замонавий инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда республика, ҳудудий ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарда “Қизлар саломатлиги



Хосон ПАЙДОЕВ олпон суратлар.

марказлари”, кўп тармоқли марказий поликлиникалар негизида эса “Аёллар маслаҳатхоналари”, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ишонч телефони” (1003) таркибида куну тун фаолият кўрсатувчи “Тезкор алоқа” тармоғи фаолияти йўлга қўйилди.

Айни пайтда республика ва 12 та ҳудудий скрининг маркази ишлаб турибди. Шунингдек, жорий йил май ойидан Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида ҳам скрининг маркази ўз ишини бошлади. Улар фаолияти туфайли ўтган йилнинг ўзида 214 минг нафардан зиёд ҳомилалар аёллар перинатал текширувдан ўтказилди, 3,4 мингта яқин туғма нуқсонли болалар туғилишининг олди олинди. Жорий йилнинг 9 оий давомида гудаклар ўлими ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 571 тага камайдди.

7 миллиондан зиёд мурожаатлар эътиборсиз қолмади

Жорий йилнинг ўтган 9 оий мобайнида шошилич тиббий ёрдам хизматига аҳолидан 7 миллиондан кўпроқ мурожаатлар тушган. Уларнинг 6 миллиондан зиёдида тез тиббий ёрдам тизими орқали тиббий хизмат кўрсатилди. Шошилич тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган бир миллиондан ортқ беморлар стационар ва амбулатор шароитда даволанди. Ушбу рақамлар

Бунда тез тиббий ёрдам хизматиининг моддий-техника базаси такомиллаштириляётгани ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган йилда тез тиббий ёрдам хизмати учун 1 минг 300 га яқин иختисослаштирилган автотранспорт хари́д қилинди ва ҳудудларнинг ушбу техникага бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланди, дори-дармон ва тиббий буюмлар билан таъминлаш уч баробар кўпайди. Қувонарли жиҳати, ҳозир тез тиббий ёрдам хизмати автопаркига халқаро талаблар даражасида эътибор



Хосон ПАЙДОЕВ олпон суратлар.

қаратилляпти. Яъни тез тиббий ёрдам машиналарининг 10 фоизини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, хорижда ишлаб чиқарилган “Hyundai” ва “Nissan” ҳамда “Toyota” русумли реанимобиллар ташкил этмоқда. Ушбу автотранспортлар замо-



Жорий йилнинг 9 ОИИ ДАВОМИДА 635 ТА **янги хусусий тиббиёт муассасаси ташкил** **этилди ва уларнинг умумий сони 4312 тага етди.** **Хозирги кунда мамлакатимизда 150 дан зиёд** **фармацевтика корхоналари фаолият юритяпти.**

навий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада тез тиббий ёрдам хизмати халқаро мезонлар даражасига кўтарилди.

Яна бир жиҳати, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ушбу йўналишдаги камчилик ва муаммолар таҳлил этилиб, уларни ҳал қилиш чоралари белгилаб берилди. Хусусан, тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантиришга амалий қўмаклашиш ва унинг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридида Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Шунингдек, 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторлари тасдиқланди. Ҳужжат билан вазирликнинг Шошилич тиббий ёрдам ўкув маркази Республика шошилич тиббий ёрдам ўкув-машғулот маркази этиб қайта ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам хизматини авиация техникаси билан жиҳозлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Энг ноёб операциялар ўзимизда бажариляпти

Аҳолига иختисослаштирилган хизматни яқинлаштириш мақсадида у йилдан йилга кенгайтириб бориляпти. Ҳозир неврология ва инсульт йўналиши ҳисобига республика иختисослаштирилган тиббиёт марказлари сони 16 тага етди. Шунингдек, туманларда 306 та иختисослаштирилган бўлим, вилоят марказларида республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 10 та филиали фаолияти йўлга қўйилди. Ҳудудларда мавжуд касалликлар кўлами чуқур таҳлил қилинган ҳолда, эҳтиёж юқори бўлган жойларда ушбу филиаллар ташкил этиляётгани ҳам аҳоли саломатлиги йўлидаги улкан ғамхўрликдир.

Шу ўринда айрим мисолларга тўхталиб ўтсак. Республика иختисослаштирилган хирургия марказида 130 дан ортқ буйрак трансплантациялари, жигар бўлагини кўчириш бўйича россиялик етук олим-трансплантолог С. В. Готье иштирокида иккита ва Хиндистоннинг Хайдарабод тиббий маркази мутахассислари билан биргаликда битта операция ўтказилди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида туркилик, трансплантология соҳасида машҳур олим, профессор Маҳмуд Хаберал иштирокида буйрак трансплантацияси бўйича операциялар жорий йилнинг апрель ойида бошланган бўлиб, ҳозирга қадар 22 та амалиёт бажарилди.

Кейинги йилларда иختисослаштирилган тиббиёт марказларида даволашнинг 500 дан ортқ янги усуллари қўлланила бошлагани, хирургик муолажалар 50 фоиз, юқори технологик операция-

лар эса 52 фоиз ортганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Фармацевтикамиз тараққиёти йўлида

Президентимизнинг “Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айлианишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижалари Ўзбекистонда тан олинди-ган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар рўйхати тасдиқланди. Бу ҳам аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Эътиборлиси, давлат тиббиёт ташкилотларига дори воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш учун жорий йилда 914,6 миллиард сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ йўналтирилди.

2025 йилгача мўлжалланган концепция ишлаб чиқилмоқда

Тиббиётни янада ислоҳ қилиш ва сифат даражасини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирил-

Конференция

«Ядро физикасининг янги аспектлари»

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидида “Ядро физикасининг янги аспектлари” мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтмоқда.

Ушбу тадбирда 10 га яқин мамлакатлардан 40 дан ортқ олимлар, илм-фан вакиллари иштирок этиляпти.

Анжуманда физика фанининг янги йўналишлари, илмий соҳадаги муаммолар ечим хусусида соҳанинг етакчи олимлари маърузалари тингланади. Масалан, анжуманнинг биринчи куниди италиялик профессор Адриано Ди

Гиасомо чиқси қилди. Осака университети профессорларининг “Скирмионс ва каон — нуклонларнинг ўзаро таъсири” мавзусидаги тақдимотлари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Халқаро илмий конференция 10 ноябргача давом этади.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

Мушоҳадага ундовчи суратлар

Тошкент фотосуратлар уйи. Кўргазмага қўйилган ҳар бир сурат томошабин эътиборини ўзига тортиб, бир зум йўга толдиради, мушоҳадага ундайди...

Кўргазма

“Самбур қабиласи. Олов чиқариш” номили асарда ибтидоий даврдаги каби қийинган тўрт одам таёқларни бир-бирига ишқалаб, олов ёқишга уринмоқда. Бир қарашда бугунги тараққиёт асрида ҳали-хануз шундай қабилалар борлигига ишонмайди киши. Бироқ бу — ҳақиқат. Суратни томоша қила туриб, мамлакатимиздаги тинч-тотув, фаровон ҳаётга шукрона айтмамиз.

Россиялик таниқли фотограф Вера Землянская ижодий кўргазмасидан яна кўплаб шундай мазмунли теран асарлар жой олган.

— Фотоижодкор ўзи кўрган гўзалликни бошқага ҳам кўрсата қилиши лозим,

— дейди Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг фоторассомлар шувбаси раиси Рустам Шарипов. — Вера Землянская ана шундай маҳоратга эга фотограф ҳисобланади. Унинг ижодий махсули бўлган асарларда тасвир томошабинга ҳудди жонлидек туюлади. Масалан, унинг Ҳимолой тоғларида олган суратларига боқиб, ўша ернинг совуқ ҳавоси, қор тафтини ҳис қилсангиз, “Ойдин водий” номили фототуркумларини томоша қилиб, гўзал, бетакорр оламга тушиб қолгандек бўласиз.

Кўргазма шу йил 14 ноябрга қадар давом этади.

Юлдуз ЎРМОНОВА.



Отобек МИРСАТОВ (ўз.) олпон сурат.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 71 728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер терминали ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.43 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6